



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ  
Қ А Р О Р И**

**13-сонли**

**2010 йил 29 октябрь**

**Тошкент шаҳри**

**Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй  
усулда қондиришга доир ишлар бўйича  
суд амалиёти тўғрисида**

Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиққанлиги муносабати билан, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ҳар бир инсонга унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, жинсий эркинлик ва жинсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи ҳимояси кафолатланади.

2. Номусга тегиш деганда (ЖК 118-моддаси), аёл жинсидаги шахс билан унинг эркига қарши ёки эркидан ташқари зўрлик ишлатиб, қўрқитиб (бундан буён матнда – таҳдид этиб) ёхуд жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, табиий усулда жинсий алоқа қилиш тушунилиши лозим.

Агар ўша ҳолатларда айбдорнинг ҳаракатлари жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга қаратилган бўлса, қилмиш ЖК 119-моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қонуннинг мазкур моддаси билан жинойий жавобгарлик бундай ҳаракатлар аёл жинсидаги шахсга нисбатан ҳам, эркак жинсидаги шахсга нисбатан ҳам содир этилганда келиб чиқади.

3. Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришда зўрлик ишлатиш деганда жабрланувчининг қар-

шилигини энгишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш, масалан, зарбалар бериш, нафас йўлларини сиқиш, оёқлари, қўлларини ушлаб туриш, кийимларини йиртиш ва х.к.лар тушунилади.

Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш пайтида жабрланувчига энгил ёки ўртача оғир шикаст етказилиши тегишлича ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси диспозицияси билан қамраб олинад ва ЖК 105, 109-моддалари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмайди. Агар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш пайтида жабрланувчига оғир шикаст етказилса, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси ва ЖК 104-моддасининг тегишли қисми мажмуи билан квалификация қилинади.

4. Таҳдид этиш деганда, жабрланувчининг қаршилигини энгиш мақсадида уни жисмоний зўрлик ишлатиш нияти аниқлигини ифодаловчи ҳаракатлар ёки сўзлар билан кўрқитиш тушунилиши лозим.

Таҳдид этиш, жумладан, ўлдириш билан таҳдид этиш номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш пайтида жабрланувчининг қаршилигини энгиш усуллари билан бири эканлиги сабабли, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 112-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмайди.

5. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, зўрлик, таҳдид барча ҳолларда жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришдан олдин содир этилган бўлиши керак ва нафақат жабрланувчига, балки унинг яқин қариндошларига ҳамда жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан (масалан, ўқитувчи – ўқувчиларга, тарбиячи – тарбияланувчиларга ва х.к.ларга нисбатан) ҳам қўлланилган бўлиши мумкин.

Айни пайтда, агар ўлдириш, зўрлик ишлатиш ёки мол-мулкни ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа атрофдагилар учун хавфли усулда нобуд қилиш билан таҳдид этиш номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш жинояти содир этилгандан кейин, масалан, жабрланувчини кўрқитиш ва воқеа ошкора бўлишининг олдини олиш мақсадида билдирилган бўлиб, бундай таҳдид амалга оширилишидан хавфсирашга доир етарли асослар мавжуд бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда ту-

тувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

6. Ожиз аҳвол деганда, жабрланувчининг шундай аҳволи тушунилиши керакки, бундай пайтда у ўзининг физиологик, жисмоний ёки руҳий ҳолати (жисмоний нуқсони, руҳияти бузилганлиги, жуда ёшлиги ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳушлик ҳолати, алкоголь, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида ўта мастлик ҳолати)га кўра ўзини ўзи ҳимоя қилиш, айбдорга фаол қаршилик кўрсатиш ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини тушуниш ёки ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бунда айбдор жабрланувчи ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

Ожиз аҳвол сифатида, жумладан, алкогольли ичимликлар, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар таъсирида келиб чиққан шундай даражадаги мастлик ҳолати тан олиниши мумкинки, бунда жабрланувчи атроф-вазиятни англай олмаган ва бу ҳолат уни айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилган бўлади. Иш бўйича жабрланувчи бундай ҳолатга айбдор томонидан туширилганлиги (масалан, спиртли ичимликлар ичирган, наркотик, уйқудори берган ва ҳ.к.) ёки айбдорнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган тарзда ожиз аҳволда бўлганлиги аҳамият касб этмайди.

Жабрланувчини ожиз аҳволга солиш учун айбдор томонидан наркотик воситалар, психотроп, кучли таъсир этувчи, захарли ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар қўлланилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда, уларнинг хусусияти ва инсон организмига таъсири даражаси экспертиза тайинлаш, мутахассисларни сўроқ қилиш йўли билан аниқланиши лозим. Агар экспертиза натижаларига кўра, айбдор томонидан тайёрланиши, қайта ишланиши, олиниши, сақланиши, ташилиши, жўнатилиши ёки ўтказилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланган воситалар ёки моддалардан фойдаланилганлиги аниқланса, унинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг қайд этилган жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари ва ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

7. Судлар ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларини ЖК 128-моддасида назарда ту-

тилган жиноят таркибидан фарқлашлари, бунда ЖК 128-моддаси бўйича жиноий жавобгарлик ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш зўрлик ёки тахдид қўлламаган ҳолда амалга оширилаётган ҳаракатлар хусусияти ва моҳиятини англаган жабрланувчининг розилиги билан содир этилган ҳолдагина келиб чиқишини эътиборга олишлари лозим.

8. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш жинояти тегишли жиноят таркибининг объектив томони сифатида назарда тутилган жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга қаратилган ҳаракатлар бошланган пайтдан, улар тугатилганлигидан ва келиб чиққан оқибатлардан қатъи назар, тамом бўлган ҳисобланади.

Шахснинг ҳаракатларида тамом бўлган жиноят таркиби ёки фақат жиноятга суиқасд қилиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар шахс номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш мақсадида ҳаракат қилган-қилмаганлигини, қўлланилган зўрлик айбдорга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра амалга оширилмай қолган бундай мақсадга эришиш воситаси бўлган-бўлмаганлигини аниқлашлари лозим.

Зўрлик, тахдид қўлламаган ёки жабрланувчининг ожиз аҳволдан фойдаланмаган ҳолда шилқимлик, алдаш йўли билан ёки шунга ўхшаш бошқа усул билан жабрланувчини жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабiiй усулда қондиришга қўндирган шахснинг ҳаракатлари ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси билан квалификация қилиниши мумкин эмас.

9. Судлар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришга суиқасдни шахснинг жиноятни содир этишдан ихтиёрий қайтишидан (ЖК 26-моддаси) фарқлашлари лозим.

Агар шахс жиноий ҳаракатларини охирига етказишга имконияти бўла туриб, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондиришдан ихтиёрий равишда ва узил-кесил воз кечган бўлса, қилмиш воз кечиш сабабларидан қатъи назар, у ҳақиқатда содир этган ҳаракатлар бўйича квалификация қилинади, башарти уларда бошқа жиноят таркиби (масалан, безорилик, баданга шикаст етказиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш ва ҳ.к.) мавжуд бўлса.

10. Агар шахс номусга тегиш вақтида бирин-кетин бир неча марта жинсий алоқа қилган ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондирган бўлса ва иш ҳолатлари айбдорда муайян бир шахсга нисбатан мазкур айнан ўхшаш ҳаракатларни содир этишга нисбатан ягона қасд мавжудлигидан далолат берса, қилмиш ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилиниши лозим бўлган битта давомли жиноят сифатида кўрилиши лозим. Шунга ўхшаш бир неча шахсга нисбатан содир этилганда такроран жиноят белгиси мавжуд бўлади (ЖК 32-моддаси).

Икки ва ундан ортиқ марта номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёж ғайритабиий усулда қондириш содир этилган бўлиб, бунинг учун Жиноят кодексининг 118-моддаси ёки 119-моддасининг турли қисмларида жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса, шунингдек, бир ҳолда бундай жиноятларга суиқасд, ёки уларда иштирокчилик, бошқа ҳолда эса, тугатилган жиноят содир этилган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари мазкур жиноятларнинг ҳар бири бўйича мустақил квалификация қилиниши лозим.

11. Агар айбдорнинг қасди билан айнан бир жабрланувчига нисбатан ҳам номусга тегиш, ҳам жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этиш (турли кетмакетликда) қамраб олинган бўлса, уларни содир этишда вақт жиҳатдан узилиш бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, қилмиш ЖК 118-моддаси ва 119-моддасида назарда тутилган жиноятлар мажмуи сифатида баҳоланмоғи лозим. Бундай ҳаракатларни илгари шунга ўхшаш жиноятлар содир этган шахс томонидан содир этилган (ЖК 118-моддаси ёки 119-моддаси иккинчи қисмининг «б» банди) деб баҳолаб бўлмайди.

12. ЖК 118-моддаси ёки 119-моддасида назарда тутилган жиноят у нафақат бир неча шахс томонидан битта жабрланувчига нисбатан содир этилган ҳолларда, балки айбдор шахслар ҳамжиҳатликда бир неча жабрланувчига нисбатан ҳаракат қилиб ва зўрлик ёки таҳдид қўлаб, сўнгра жабрланувчилардан ҳар бири ёки ҳеч бўлмаганда бири билан зўрлаб жинсий алоқа қилган ёки жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондирганда ҳам гуруҳ шахслар (олдиндан тил бириктирган гуруҳ шахслар) томонидан содир этилган деб топилиши лозим. Жиноят иштирокчиларидан бири қонунга кўра жиноят субъекти бўлма-

ган ҳолларда ҳам (ЖК 17, 18-моддалари) иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилиниши лозим.

ЖК 118-моддаси иккинчи қисми «в» банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми «в» банди билан нафақат бевосита номусга теккан ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондирган шахсларнинг ҳаракатлари, балки жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали уларга кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари ҳам квалификация қилиниши лозим. Бунда қайд этилган жиноят таркиблари объектив томонида назарда тутилган ҳаракатларни шахсан содир этмаган, бироқ зўрлик ёки таҳдид қўллаш орқали бошқа шахсларга жиноят содир этишда кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари гуруҳ бўлиб номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятининг шерик ижрочиси сифатида ЖК 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда квалификация қилиниши лозим.

Жабрланувчи билан бевосита жинсий алоқа қилмаган ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш ҳаракатларини содир этмаган ва бошқа шахслар томонидан бундай ҳаракатлар содир этилганда жабрланувчига нисбатан зўрлик ёки таҳдид қўлламаган, бироқ жиноятни содир этишда айбдорга фақат маслаҳатлари, кўрсатмалари, маълумотлар бериши ва х.к.лар билан кўмаклашган шахсларнинг ҳаракатлари ёрдамчи сифатида ЖК 28-моддаси бешинчи қисмига ҳавола қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак.

13. ЖК 118-моддаси иккинчи қисми «г» банди ёки 119-моддаси иккинчи қисми «г» бандида назарда тутилган ўлдириш билан таҳдид этиш деганда, нафақат айбдорнинг жабрланувчига, унинг яқин қариндошларига ёки жабрланувчида уларга нисбатан муайян масъулият мавжуд шахсларга нисбатан дарҳол жисмоний зўрлик ишлатиш нияти очикдан-очик билдирилган сўзлари, балки айбдорнинг, масалан, қурол ёки қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган предметлар (пичоқ, устара, болта ва ш.к.лар) намоиши сингари таҳдид солувчи ҳаракатлари ҳам тушунилиши лозим.

14. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, ўн саккиз ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси учинчи қисми «а» банди ёки 119-моддаси учинчи қисми «а» банди) ёки ўн тўрт ёшга тўлмаган (ЖК 118-моддаси тўртинчи қисми ёки 119-моддаси тўртин-

чи қисми) шахсга нисбатан номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жиноятини содир этганлик учун жиной жавобгарлик, фақат, айбдор жабрланувчининг ёши тўғрисида мазкур жиноятларни содир этгунга қадар аниқ билган (қариндош, таниш, қўшни бўлган ва ҳ.к.) ҳолда ёки жабрланувчининг ташқи қиёфаси унинг ёшидан аниқ далолат берган ҳолда келиб чиқади.

Жабрланувчи ўзининг ёшига нисбатан улғайганроқ кўриниши асосида келиб чиққан инсофли янглишиш айбдор шахсга нисбатан мазкур квалификация белгилари қўйилишини истисно этади.

15. Айбдорнинг ҳаракатларини ЖК 118-моддаси учинчи қисми «б» банди ёки 119-моддаси учинчи қисми «б» банди билан квалификация қилишда судлар Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида баён этилган «якин қариндошлар» тушунчасига асосланишлари, бунда мазкур тушунчани кенг шарҳлаш мумкин эмаслигини инобатга олишлари лозим.

16. ЖК 118-моддаси учинчи қисми «д» банди ёки 119-моддаси учинчи қисми «д» бандида назарда тутилган «оғир оқибатлар» деганда, ҳомиладор бўлиш ёки ҳомиланинг тушиши, рухий касаллик, ОИВ/ОИТС юқиши, жабрланувчи томонидан танланган жиноятдан ҳимояланиш усули оқибатида олинган тан жароҳатлари (масалан, кўп қаватли бинодан, юриб кетаётган автомобилдан, поезддан сакраганда), жиноят натижасида жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши ва ҳ.к.лар тушунилиши лозим.

17. Судлар квалификация белгилари мавжуд бўлмаган ҳолда содир этилган номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир (ЖК 118-моддаси биринчи қисми ёки 119-моддаси биринчи қисми) жиноят ишларини қўзғатишнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини инобатга олиб, бундай ишларни қўзғатиш тартибига риоя этилишига нисбатан талабчанликни оширишлари лозим. Бунда шунини назарда тутиш керакки, жабрланувчининг ёзма шикоятини бўлмаган ҳолларда мазкур тоифага доир ишларни қўзғатиш учун, фақат, жабрланувчининг ЖПК 324-моддасида назарда тутилган тартибда баённомага киритилган оғзаки шикоятини асос сифатида олиниши мумкин.

Квалификация белгилари мавжуд ҳолда номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш жинояти учун

айбланаётган судланувчининг ҳаракатларини ЖК 118-моддасининг биринчи қисми ёки 119-моддасининг биринчи қисмига қайта квалификация қилинган ҳолларда, агар ишда жабрланувчининг ёзма шикоят бўлмаса ёки жабрланувчи суд мажлисида бундай шикоят беришдан бош тортса, суд жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан тугатади.

18. Номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишларни кўришда судлар ЖПК 19-моддасига мувофиқ ҳар бир ҳолда иш бўйича ёпиқ суд мажлиси ўтказилиши зарурлигини муҳокама этишлари ва процесс иштирокчилари ҳисобланмаган ўн олти ёшга тўлмаган шахслар суд мажлиси залида бўлмасликлари юзасидан тегишли чоралар кўришлари шарт.

Мазкур тоифага доир ишларнинг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда судлар ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиши юзасидан чоралар кўриш билан бирга ишга дахлдор бўлмаган ва жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи барча саволларни бартараф этишлари, ўз вақтида процесс иштирокчилари ўринсиз хатти-ҳаракатларининг олдини олишлари керак.

19. Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишларни муттасил умумлаштиришлари ва натижаси бўйича суд хатоларини ўз вақтида тузатишга қаратилган чоралар кўрсинлар.

**Олий суд раиси**

**Б. Мустафаев**

**Пленум котиби,  
Олий суд судьяси**

**В. Назаров**